

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 2-noyabr, payshanba

№ 45 (9261)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Яқин Шарқда кескинлашаётган воқеаларга доир

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни ўтказган гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш аввалида ҳозирги кунда бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир уйғотаётган масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

“Маълумки, Исроил армияси ва Хамас ҳаракати ўртасида давом этаётган қуролли тўқнашувлар гуманитар инқирозни чуқурлаштирмоқда, тинч, бегуноҳ аҳоли орасида кўп сонли қурбонларга олиб келмоқда.

Болалар ва аёллар ҳалок бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Биз Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик ихор этамиз.

Мен Ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилдим.

Биз Фаластин халқи билан бирдам эканимизни қатъий билдирамиз ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг илгарии қабул қилинган резолюцияларига мувофиқ ўз мустақил давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўравонлик янада авж олаверса, бу халқаро вазиятнинг кенг миқёсда издан чиқишига, қуролли тўқнашувларга янги кучлар тортилишига олиб келади.

Буларнинг барчаси Яқин Шарқ минтақаси билан чекланмай, узоқ ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар икки томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда муроасага келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низони тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирамиз.

Маълумки, биз яшаётган Марказий Осиё минтақаси турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши бўйича ноёб тажрибага эга. Бу заминда асрлар давомида мусулмон, христиан ва яҳудийлар дўстлик ва ҳамжиҳатликда ёнма-ён яшаб келяптилар.


Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга, аввало, ёшларимизга мурожаат қилиб, уларни турли ёлгон ташвиқотларга берилмасликка, қонуна зид хатти-ҳаракатлар содир этмасликка чақираман.

Бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва осийишта ҳаётимизни, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлигимизни барчамиз биргаликда асрашимиз зарур”, – деди давлатимиз раҳбари.

ЎЗА

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказди.



Гидроэлектр станциялар кунлик энергияни барқарор таъминлашда энг самарали восита. Улардан олинadиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги гидроэнергетика салоҳияти 8 минг мегаваттни ташкил қилади. Лекин ҳозир бунинг 2 минг 200 мегаватти ишлатилмоқда холос.

Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган.

Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими

жорий қилинган.

Йиғилишда соҳадаги лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди.

Бу йил 20 та, 2024 йилда 38 та кичик ва микро ГЭС қуриш режалаштирилгани, лекин айрим лойиҳалар кечикаётгани қайд этилди. Вилоят ҳокимлари яқин ойлarda бу йилги 20 та станция ишга туширилиши ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан жами қуввати 197 мегаватт бўлган 7 та йирик ГЭС фойдаланишга топширилади. Бунинг ҳисобига электр ишлаб чиқариш 7 миллиард киловатт-соатга етказилади.

Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, мутахассислар томонидан гидроэнергетикада қўшимча 1 минг мегаваттлик захира аниқланган. Мисол учун, Норин дарёсига каскадлар қуриб, 230 мегаваттлик қувватларни ишга тушириш ва Намангандаги 450 минг аҳоли учун етарли электр ишлаб чиқариш мумкин.

Келгуси йилда куёш ва шамол электр станциялари қуввати 3,5 минг мегаваттга етади. Бунда, электр асосан кундуз куни ишлаб чиқарилиши ҳисобига, энергетика тизимида ростловчи қувватларга эҳтиёж ортади. Шу боис давлатимиз раҳбари 2030 йилни кутмасдан, режадаги 6 минг мегаваттлик станцияларни қуриш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ИШТИХОНДА ҚИШГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК Кўрилди?



“Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиали томонидан Иштихон туманига пресс-тур ташкил этилди.

Унда дастлаб журналистлар учун жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида туманда электр таъминотини янада яхшилаш борасида бажарилган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Таъкидланишича, бу йил қишда иштихонликларга узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш учун барча тайёргарликлар кўрилган.

Қиёмжон ЗИЁТОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



Долзарб мавзу

СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, унинг ҳар томчисини мақсадли сарфлаш ҳам исрофгарчиликнинг олдини олади, ҳам иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Сир эмаски, бугун сув танқислиги муаммоси нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда глобал муаммага айланмоқда. Дунё олимларининг фикрларига кўра, сув танқислиги келгуси 10-20 йилликда жуда таҳликали муаммага айланади. Шу боис мамлакатимизда ҳам сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Сув тежовчи техноло-

гияларни жорий қилган фермер ва деҳқонларга қулайлик ва имтиёзлар берилмоқда. Буни Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, вилоятда 2013-2023 йилларда 172 минг 673 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Жумладан, 38 минг 882 гектар майдонда томчилатиб, 2 минг 274 гектар майдонда ёмғирлатиб,



68 минг 747 гектар майдонда кўча эгилувчан қувурлар орқали суғориш, 23 минг 615 гектар майдонда эгатта плёнка тушаб суғориш, 600 гектар майдонда дискрет суғориш ҳамда 38 минг 554 гектар майдонда ерларни лазерли суғориш технологиялари қўлланилмоқда.

– Йилдан-йилга қутилаётган сув танқислиги шароитида сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши энг муҳим масаладир, – дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув тежовчи технологиялар бўйича бўлим бошлиғи Ҳабибулло Маматов. – Кейинги

йилларда ушбу технологияларнинг самарадор эканини деҳқон ва фермерларимиз ҳам англаб етмоқда ва қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида вилоятда 28 минг 311 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ ТЕРАН ИЛДИЗГА ЭГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТ

Жаҳон тамаддунида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дўстона муносабат теран илдишларга эга. Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев билан суҳбатимиз аини мавзуга оид.

– XIV аср ўрталарида Буюк Ипак йўлининг ғарб мамлакатларига олиб борувчи тармоғи турли низолар туфайли инқирозга учраган эди, – деб сўз бошлади суҳбатдошимиз. – Ўша даврда Амир Темур турли соҳаларда қитъалараро алоқа тикланишига шароит яратиб берди. Унинг Европа давлатлари қироллари билан олиб борган мулоқотлари орасида, айниқса, Франция қироли Карл VI билан ёзишмалари алоҳида тарихий аҳамиятга эга. 1394 ва 1399 йилларда Амир Темур ҳузурига келган Византия императорининг Константинополдаги муовини Франсуага Сандро исмили вакил ҳамроҳ бўлган. Сандронинг қўлида Генуя ҳомийси – Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби бор эди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОРҚАЛИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Қишлоқ хўжалигида сувдан оқилona фойдаланиш ўта муҳим. Йилдан-йилга сувга бўлган эҳтиёж ортса ортмоқдаки, камайгани йўқ.

Бугунги кунда Навоий вилояти Қўйи За-рафшон ИТХБ ҳузурдаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли насос станцияларида электр энергиясидан самарали фойдаланиш ва иқтисод қилиш тадбирлари, таъмирлаш ҳамда уларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича мутасаддилар томонидан кунлик мониторинг олиб боришмоқда. Сув хўжалиги вазирлиги режа-графикка асосан ҳар ҳафтанинг жума куни ҳар бир насос станциясида семинарлар ташкил этилиб, станция ходимларига мавжуд ресурслардан оқилona, тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан алоҳида тушунтиришлар берилмоқда.

Маълумот учун, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида 37 донa насос станцияси мавжуд бўлиб, шундан, суғориш насос станциялари сони 31 та, мелиоратив насос станциялари 5 тани ташкил этади. 2023-2024 йиллар кузги-қишки мавсумида жами 91 донa насос агрегатини таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирги кунда насос агрегатлари босқичма-босқич таъмирланиб, ғалла суғориш мавсумига шай ҳолатга келтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”нинг 6-бобида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 8,0 млрд. кВт.соатдан 2025 йилда 7 млрд. кВт.соат ва 2030 йилда 6 млрд. кВт.соатгача камайтирилиши белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Хар бир вилоятда куз-қишни беталафот ўтказиш учун камида 10 миллиард сўмдан захира шакллантирилмоқда

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Лойиҳаларга хусусий шериклик асосида хорижий энергетика компанияларини жалб қилиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Йиғилишда энергетика тизимида шу борадаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Сўнгги беш йилда мазкур тармоқ ва трансформаторларни модернизация қилишга 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жорий йилда Тошкент шаҳридаги энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича катта дастур бошланди.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда куз-қишни беталафот ўтказиш учун камида 10 миллиард сўмдан захира шакллантирилмоқда. Бу маблағлар эвазига трансформатор, сим ва бошқа эҳтиёт қисмлар янгилаб борилади.

Умуман, ҳудудлардаги 33 мингта трансформатор ва 122 минг километр электр тармоқлари эскирган. Бу ҳолат, айниқса, Тошкент, Наманган ва Сирдарё вилоятларида кўп. Жорий йилнинг 9 ойда жами ишлаб чиқарилган электрнинг 12 фоизи йўқотилган.

Шу боис эскирган трансформатор ва тармоқларни янгилаш, электр йўқотишларини йилгига 1-2 фоиздан камайтириб бориш зарурлиги

таъкидланди.

100 мингдан ошқ улгуржи истеъмолчи ҳамда 648 мингта янги хонадон электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланмагани қайд этилиб, бу борада тегишли кўрсатмалар берилди.

Айрим ҳудудларда қозонхона ва иссиқлик тармоқларини таъмирлашда қоқоқликлар борлиги айтиб ўтилди. Ижтимоий соҳа муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳолати ҳам яхши эмас. Энергия сарфи юқори бўлган қозонларни янгилаш режаси тиббиёт муассасаларида 62 фоизга, боғчаларда 54 фоизга, мактабларда 40 фоизга бажарилган, холос.

Мутасаддиларга таъмирлаш ва модернизация ишларини жадаллаштиришга барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжи учун кўмир етказиб бериш масалаларига тўхталиб ўтилди. Бу борада қўшимча захира яратиш, хусусий секторни ҳам жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилган кўмирни юқори нархларда ноқонуний сотиб юбориш ва талон-торож қилишга йўл қўймаслик бўйича қатъий кўрсатма берилди.

ЎЗА



НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОРҚАЛИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Унинг ижросини таъминлаш мақсадида муассасамизда 2021 йилда 4 та лойиҳа амалга оширилиб, 6 дона насос станцияси Давлат хусусий шериклик шартлари асосида эксплуатация қилиш учун хусусий шериклар ҳисобига топширилди. Ушбу лойиҳалар орқали 10 йил давомида 4271,5 минг кВт. электр энергия иқтисод қилиниб, давлат бюджетидан 4 271,5 млн. сўм маблағ тежалишига эришилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан давлат сув ҳўжалиги объектларини, хусусан, 300 та насос станциясини давлат хусусий шериклик шартлари асосида хусусий сектор бошқарувига бериш бўйича берилган топшириққа асосан, жорий йилда Қўйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 10 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, Хатирчи туманидаги “Оқ олтин”, “Пўлкан”, “Обод қият”, “Юзувл”, “Ўзбекистон-1”, “Ўзбекистон-2”, “Каттасой”, “Оқ олтин мелиоратив”, “Гулистон”, Кармана туманидаги “Ўзумзор” насос станцияларини ДХШ шартлари асосида эксплуатация қилиш учун хусусий шериклар томонидан қизиқишлар билдирилди. Ушбу лойиҳаларнинг дастлабки лойиҳа ҳужжатлари ва концепциялари ишлаб чиқилиб, Сув ҳўжалиги вазирлигига тақдим этилди. Ҳозирда хусусий секторларни аниқлаш бўйича мазкур лойиҳалар Сув ҳўжалиги вазирлигининг расмий сайтига жойлаштирилган. Мазкур

лоийҳаларнинг 10 йиллик умумий лойиҳа қиймати 176 998,7 млн. сўмни ташкил этиб, хусусий шерик томонидан дастлабки 3 йилда 5 582,6 млн. сўм инвестиция киритилиши, бунда насос станцияси бинолари таъмирланиши, босимли қувурлари янгиланиши, замонавий энергетика насос агрегатлари ҳамда ёрдамчи қурилмалари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Давлат хусусий шерикчилик лойиҳаларни амалга ошириш орқали қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетаётган экин майдонлари қайта фойдаланишга кириштилади. Насос станцияларга бошқаруви замонавий усулларга асосланган ҳолда олиб борилади ва ушбу лойиҳаларнинг амал қилиш даврида 15 719,0 минг кВт. электр энергия иқтисод қилиниши орқали давлат бюджетидан 15719 млн. сўм маблағ тежалишига эришилади. Бундан ташқари, ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер, деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларининг сувга бўлган талаби ўз вақтида етарли ва сифатли тартибда амалга оширилади. Насос станцияларига хизмат кўрстадиган майдонларнинг бир қисмига сув тежамкор қурилмалар жорий қилинади.

Жасур НАЗАРОВ,
Қўйи Зарафшон ИТХБ
ҳузуридаги насос станциялари
ва энергетика бошқармаси
бошлиғи.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

КУЗГИ-ҚИШКИ ЮМУШААР ҚОНИҚАРАЛИ АХВОЛДАМИ?

Яқинда Риштон туманидаги пахта тозалаш корхонасида сув ҳўжалиги ходимларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалари бўйича ўринбосари А.Турсунов сўзга чиқиб, йил бошидан қилинган ишларга тўхталиб ўтди ва эришилган ютуқларда сув тармоғи ходимларининг ҳиссалари катта эканини таъкидлади.

— Албатта, ҳар бир ишда сув муҳим роль ўйнайди, — деди у. — Шундай экан, айни кунлардаги ишларимизга танқидий кўз билан қарашимиз лозим. Баъзи соҳаларда анчагина оқсаш сезилиб қолди. Ҳозирги кузги-қишки ишларни ҳам яхши, деб бўлмайди. Режаси бажарилган фермерлар далаларини ҳосилдан бўшатиши, далалардаги ғўзопояларни йиғиштириб дала четига чиқаришлари ва ерларни кузги шудгорлаш ишига киришишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шудгордан кейин шўр ювиш учун пол олишни бошлаш, шўр ювишга тайёрлаш керак. Ариқ-зовурларни тозалаш, ғалла экинларини сўғориш, сув чиқиши қийин бўлган ерларда ёмғирлатиб сўғориш технологиясини жорий қилишни пайсалга солмаслик лозим. Бугундан далада бу ишларни ташкил қилиш учун штаблар ишлаши, уларга ҳар томонлама шароитлар яратиб берилиши лозим.

Йиғилишда Сирдарё-Сўх ИТХБ бошлиғи Ф. Турсунов, Бешарик, Бувайда туманлари ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ирригация бўлимлари бошлиқлари қўрилган масалага доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Вилоятнинг Қарши тумани пахта ва ғалла етиштиришда етакчи ҳудудлардан ҳисобланади. Туман деҳқон ва фермерлари сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида экин майдонларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиб, яхшигина самарадорликка эришмоқда.

Маълумотларга кўра, туманда 2 минг 440 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган.

— Корхонамиз фермерлар билан шартнома асосида вилоят ҳудудида 10 минг гектар майдонда пахта етиштиради, — дейди “Султон Голден текс” МЧЖнинг томчилатиб сўғориш бўйича мутахассиси Илҳом Каромов. — Шу майдонларнинг минг гектарига фермерлар билан келишган ҳолда томчилатиб сўғориш технологиялари



жорий қилинди. Масалан, Қарши тумани Хонобод ҳудудидан бизга 180 гектар ташландиқ ер ажратилди. Шу ерни ўзлаштириб, биринчи йилиёқ тўлиқ томчилатиб сўғориш усулида пахта етиштирдик. Ҳозирги кунга қадар йиғиб олинаётган ҳосил 40 центнердан ошиб кетди. Ҳали далада ҳосил мўл. Маҳалллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган томчилатиб сўғориш технологияларини жорий қилганмиз. Сув сарфида 50 фоизгача иқтисодий тежамкорликка эришяммиз. Вилоятнинг Касби туманида ҳам минг гектарга яқин ҳудудга томчилатиб сўғориш ускуналари ўрнатилди. Нишон туманида бу йил 80 гектар ерни томчилатиб сўғоришга

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ

ТЕРАН ИЛДИЗГА ЭГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТ



(Боши 1-саҳифада)

1402 йил Карл VI Амир Темури билан мустаҳкам сиёсий алоқа ўрнатишга интилди. Ушбу сайё-ҳаракат самараси ўлароқ олиб борилган ёзишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатлар архивида сақланади. Мақтубларда Амир Темури қиролнинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Франция билан савдо-сотик йўлга қўйилишининг аҳамиятига эътибор қаратади:

— Бизнинг ул улуг амирдан кутганимиз шулдурки, доимо бизга шохона мактублар юбориб, саломатликларини билдириб турсалар, токи биз хотиржам бўлғаймиз. Яна сизнинг савдогарларингиз бу тарафга қатнаб турсалар, биз бу ерда уларни азиз-у муқаррам тутғумиздир. Шунингдек, бизнинг савдогарлар у тарафга юборилса, сиз ҳам уларни азиз-у муқаррам тутсангиз, ҳеч кимса уларга зўрлик қилмаса ва зарар-заҳмат етказмаса! Зеро, дунё савдогарлар билан ободдир!

Соҳибқироннинг Франция қиролига ёзган, бизнинг давримизгача лотинча таржимаси етиб келган иккинчи хати ҳам 1402 йил 1 август санаси билан белгиланган. Ҳар икки номани архиепископ Иоанн III Францияга етказган. 1403 йил июнда Парижга борган архиепископ Амир Темурнинг қироллиқни қизиқтирувчи, савдогарларнинг ўзаро



СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

ер майдони бор, — дейди Қарши туманидаги “Ҳилол чироф фасли” фермер ҳўжалиги раҳбари Фазилат Қодирова. — Ўтган йилда 20 гектар майдонга томчилатиб сўғориш технологияларини жорий қилдик. Ускуналарни ўрнаташ ишларида озгина кечиканимиз ҳисобига ўтган йили бироз қийналгандик. Лекин бу йил тўлиқ самарадорликка эришдик. 16 гектар майдонда пахта етиштирдик. Ҳосил биз кутгандан ҳам юқори бўлди. Айтиш жоизки, туманда нафақат пахта ва ғалла майдонлари, балки интенсив усулда ташкил этилган боғларга ҳам тежамкор сўғориш ускуналари ўрнатилмоқда. Масалан, тумanning Акмал Икромов ҳудудида вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси ташаббуси билан 10 гектар майдонда интенсив усулда ташкил этилган бодомзорда ҳам томчилатиб сўғориш технологиялари жорий қилинди.

— Бу жойлар илгари қаровсиз ҳолатда эди, — дейди боғбон Дилшод Раҳимқулов. — Обод қилиниб, 10 минг тупдан зиёд пакана бодом кўчатлари экилди ва томчилатиб сўғориш усули жорий қилинди. Бир ўзим бир жойда ўтирган ҳолда бутун боғни сўғораман.

Мутахассислар дарахтлар 3 йилда ҳосилга киришини айтишган. Аслида бодом кўп сув истеъмол қилмайди. Томчилатиб сўғориш усулида эса янада кам сув сарфланар экан.

Албатта, аграр ҳудуд ҳисобланган вилоятда сувдан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланиш ўз самарасини беради. Фермер ва деҳқонларга янада қулайлик яратиш мақсадида вилоятнинг ўзида сув тежамкор технологияларни ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Хусусан, Қарши тумани ҳудудида жойлашган “OMAD START” масъулияти чекланган жамияти айна шу мақсадда ташкил этилган.

8 гектар майдонни

дан англаш мумкин. Академик Акмал Саидов ва Люсьен Керен муаллифлигидаги “Амир Темури ва Франция” номли асарда Венсан Фруньёнинг Амир Темури ҳақида қуйидаги фикри қайд этилган:

— Амир Темури мавзуси Фарбий Европада Клавиго ва Женкинсон сафарномалари эълон қилинмасдан бурун, шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий сингари тарихчилар асарлари таржима қилинмасдан олдин ҳам тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд эди.

Хуллас, Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар, жумладан, Франция билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалари, хусусан Амир Темури ва Карл VI томонидан тамал тоши қўйилган ҳамкорлик, бирдамлик муносабатлари бугунги кунда янгича, жадал суръатда ривожланимоқда.

Муҳаррама ПИРМАТОВА
ёзиб олди.
ЎЗА

эгаллаган корхона йилига 80-100 минг тонна хомашё (гранула)ни қайта ишлаш қувватига эга. Туркия ва Италиядан келтирилган технологиялар билан жихозланган корхона сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва монтаж қилиш, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, ускуналари ва эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланади.

— Дастлабки фаолиятимизни сув тежамкор ускуналарни олиб келиб ўрнатиб беришдан бошлаганмиз, — дейди корхона иш юритувчиси Акмал Ботиров. — Ўтган йили вилоятнинг ўзида завод қуриб, шу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бир ойда 15 минг гектарга етадиган маҳсулот ишлаб чиқаряммиз. Маҳсулотларимиз нафақат Қашқадарё вилоятига, балки бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлар билан ҳам экспорт шартномаларини имзолаганмиз. Маҳсулотлар пешма-пеш жўнатилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича республикада етакчи ўринларда турувчи Қашқадарё вилоятида сув тежамкор технологияларнинг жорий қилиниши сувни йирик миқдорда иқтисод қилиш ва орттирилган сув захирасига бошқа ҳудудларда ҳам қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Бу эса вилоят иқтисодиётининг сезиларли равишда кўтарилишига хизмат қилади.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.



BUXORO VILOYATI

Buxoro viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasida 2023-yilda jami 1506 ta nazoratdagi qurilish ob'ektlari mavjud bo'lib, ularning barchasida belgilangan tartibda qurilish nazorati o'rnatilgan. Mazkur ob'ektlarda bugungi kunga kelib, Qurilish-montaj ishlari ustidan nazorat bo'limi mutaxassislari tomonidan 4545 ta monitoring o'tkazilgan, bajarilishi majburiy bo'lgan 9014 ta yozma ko'rsatmalar hamda 27 mingdan ziyod qoidabuzarliklar aniqlangan.

QAT'IY NAZORAT QURILISH SIFATIDA AKS ETADI



Qurilish ob'ektlarida o'tkazilgan monitoringlar natijasida aniqlangan qoidabuzarliklar hamda bajarilishi majburiy bo'lgan yozma ko'rsatmalarning bajarilmasligi oqibatida jismoniy va yuridik shaxslarga O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining tegishli bandlari qo'llanilib, mansabdor shaxslarga nisbatan 606 ta ma'muriy byayonnomalar rasmiylashtirilib, jarimalarga tortilgan.

Buxoro viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi Qurilish sinov laboratoriya xizmatlari bo'yicha 593 ta, 7,143 mlrd. so'mlik shartnomalar tuzilib, hududiy nazorat inspeksiyasi hisob raqamiga 3,275 mlrd. so'mlik mablag'lar tushirildi. Bino-inshootlarning instrumental-texnik holati bo'yicha joriy yilda 273 ta, 3,816 mlrd. so'mlik shartnomalar tuzildi va natijada tashkilot hisob-raqamiga 3,072 mlrd. so'mlik mablag'lar tushirildi. Buxoro viloyati Qurilish sohasida hududiy nazorat inspeksiyasining tuman, shahar hududlarida o'tkazilgan monitoring natijalari bo'yicha 225 ta ob'ekt hududiy nazorat inspeksiyasida ro'yxatdan o'tmasdan qurilish va qayta qurish ishlarini olib borayotganligi aniqlangan. Shundan 109 ta ob'ekt bo'yicha vakolatli organ – Biznes ombudsman xabarot qilingan va 150 ta ob'ektning egalariga nisbatan Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 99-moddasi 7-qismi bilan javobgarlik choras



qo'llanilgan. Ushbu ob'ektlarning 73 tasi instrumental texnik ko'rikdan o'tkazilgan. Aniqlangan noqonuniy qurilmalarning 27 tasi hududiy inspeksiya ro'yxatidan o'tkazilgan. Bundan tashqari aniqlangan 225 ta ob'ektdan 102 tasi bo'yicha tuman, shahar hokimliklariga vakolat doirasida bartaraf qilish uchun sud organlariga da'vo arizalari kiritishni so'rab xabarnomalar kiritilgan. Shuningdek, jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan kelib tushgan jami 246 ta murojaatga javob xatlari tayyorlangan. Buxoro viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasiga 2023-yilda jismoniy va yuridik shaxslardan jami 238 ta murojaat kelib tushgan. Kelib tushgan murojaatlarning 120 tasi elektron, 118 tasi yozma bo'lib, 27 tasi ijobiy



hal etilgan, 58 tasiga huquqiy baho berilgan, 136 tasiga esa tushuntirish berilgan. Qolaversa, 12 tasi tegishligi bo'yicha joylarga yuborilgan, 2 tasi rad etilgan, 3 tasi tugatilgan. Inspeksiya jamoasi tomonidan “Yangi O'zbekiston” massivlarida amalga oshirilayotgan qurilish ishlari ham muntazam monitoring qilib borilmoqda. – O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “2023-yilda bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlari orqali aholini uy-joy bilan ta'minlash dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni 4-ilovasida joriy yilda, Buxoro viloyatida, G'ijduvon tumani “Baraka” MFY hududida 24 ta 480 xonadonli, Qorako'l tumani “Do'rmon” massivi hududida 12 ta 240 xonadonli jami 87 ta 720 xonadonli uy-joylar qurilishi belgilangan, – deydi Buxoro viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi rahbari Bahodir Tosheyv. – Bugungi kunda ushbu ko'p qavatli uylarning barchasi inspeksiya-ro'yxatdan o'tgan. G'ijduvon tumanidagi



buyurtmachi “Agromir Buildings” MChJ tomonidan qurilayotgan turar-joy binolarida bugungi kunga qadar 257 marta monitoringlar o'tkazildi. Monitoringlar davomida aniqlangan 2027 ta qoidabuzarliklarni bartaraf etish uchun 480 ta yozma ko'rsatmalar berildi. Nazorat tadbirlari davomida aniqlangan kamchiliklar bo'yicha ishtirokchilarga nisbatan ma'muriy jarimalar qo'llanildi. Hozirda mazkur ob'ektlarning 9 tasi foydalanishga topshirilgan bo'lib, 15 tasida qurilish-montaj ishlari davom ettirilmoqda. Xuddi shuningdek, Qorako'l tuman “Do'rmon” massivi hududida qurilayotgan ko'p qavatli turar-joy binosi ob'ektlarida ham jami 576 marta monitoringlar o'tkazildi. Bu jarayonda 3456 ta qoidabuzarliklarni bartaraf etish uchun 1152 ta yozma ko'rsatmalar berildi.



Nazorat tadbirlari davomida aniqlangan kamchiliklar bo'yicha ishtirokchilarga nisbatan 24 ta taqdimnoma kiritilib, 11 ta holatda ma'muriy jarimalar qo'llanilgan. Hozirda “Rus Aymer”, “Kamronbek Diyorbek”, “Bunyod Shaxzod Fayz”, “Shukurjon Ona”, “Ravon ta'mir invest”, “Qoraun Inshoot qurilish”, “Onda Hasan Servis” MChJlar buyurtmachiligidagi qurilgan 8 ta ko'p qavatli turar-joy binolari foydalanishga topshirilgan bo'lib, qolganlarida qurilish-montaj ishlari qizg'in davom etmoqda.

Orif JUMANOV,
“Qishloq hayoti” muxbiri.

“ЭЛ ИЧРА НОМУ ЁД БЎЛГАЙ”

Бугун азим кентимиз тонгла ёмғирни қарши олди. Субҳ насимлари қут-барака томчиларини кенг далалар узра бошлаб кетдилар. Кузги ёмғир чанг-ғуборларни юваётганидан шаҳарликларнинг боши кўкка етди. Осмондан тушган бир томчи сувни ҳам бебаҳо неъмат сифатида қадрловчи қишлоқликлар уларданда севинди.

Ёмғирни кутаётганлар, айниқса, ғаллани экиб, барака сўраётганларнинг дуолари ижобат бўлди, кўнгиллари яшнади. Обихаётни етказиб беришдек эзгу ва савобли касб эгалари бўлган, содда ва самимий сувчилар юртимизда азалдан ва ҳамиша қадрланган, эъзозланган. Сурхоннинг беназир шоири Мирзо Кенжабек “Мироб” шеърида ёзганидек:

Мироб – сув амири, сувлов вазири,
Султон саройида энг мўътабар зот.
Унга боғлиқ бўлмиш халқнинг тақдири,
Чунки сув – тириклик, чунки сув – ҳаёт!



Доим элнинг эътиборида бўлган сувчилар ўзаро аҳиллиги, жипслиги билан ҳам донг таратган. Бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бурда нонини ҳамкасби билан баҳам кўриш каби фазилатлар улар орасида қадриятга айланган. Тонгги ёмғирдан диллар яйраган бугунги иш кунини Сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари юқори кайфият билан бошладилар. Вазирнинг биринчи ўринбосари Азимжон Назаровни янги, янада масъулиятли лавозимга кузатиб қўйиш маросими бўлди. Истеъдодли, билимли, сувчилар авлоди вакилига эзгу, самимий ва хайрли тилаклар айтилди, тўн кийдирилди. Маросимдаги ниятларнинг мағзини биз ардоқли шоиримиз Сирожиiddин Саййиднинг ушбу сатрларида кўрдик, десак асло мулопага бўлмас:

Завол эрмас, камол келтир
она юртингга ҳар соат,
У сенга ҳам она, ҳам юрт,
сенса икки қанот бўлгай.

Келибсан гар сурур келтир,
ҳавас бирлан ғурур келтир,
Ки сен кетсанг ҳам ортиндан
эл ичра ному ёд бўлгай.

Шухрат СУЮНОВ,
Сув ҳўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати бошлиғи.

Эълон

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Барчангизни “Маданий мерос объекtlари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси бош пудратчилигидаги қуйидаги объекtlарга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танлов ва тендерларларда иштирок этишга таклиф этамиз:

1.Объект номи: “Бухоро шаҳрида жойлашган “Арк кўргони” маданий мерос объектини реставрация, консервация, таъмирлаш-тиклаш археологик парк ташкил қилиш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **28 117 581 254 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **365 кун.**
Танлов тури: очик тендер.

2. Объект номи: “Навоий вилояти Кармана тумани Кўҳна кўргон МФЙ ҳудудида жойлашган “Мирза Чорбоғ” қароргоҳида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **4 195 280 059 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **365 кун.**
Танлов тури: очик тендер.

3. Объект номи: “Бухоро шаҳрида жойлашган “Мавлоно Ассири” мадрасасида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **2 644 679 396 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **200 кун.**
Танлов тури: очик тендер.

4. Объект номи: “Навоий вилояти Фозгон шаҳри Шайхон МФЙ ҳудудида жойлашган “Шоҳимардон” мажмуасида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **1 685 682 377 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **180 кун.**
Танлов тури: очик танлаш.

5. Объект номи: “Бухоро шаҳри Х.Олимжон МФЙ ҳудудида жойлашган “Поччақул Хожа” масжидида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **1 010 371 358 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **120 кун.**
Танлов тури: очик танлаш.

6. Объект номи: “Навоий вилояти Кармана тумани, Ҳазора МФЙ ҳудудида жойлашган “Мавлоно Ориф Деғгороний” мажмуасида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **251 308 707 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **50 кун.**
Танлов тури: очик танлаш.

7. Объект номи: “Бухоро вилояти Вобкент тумани Вобкент МФЙ И.Бухорий кўчасида жойлашган “Вобкент” минорасида реставрация ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **138 000 000 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **30 кун.**
Танлов тури: очик танлаш.
Объектни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.
Бош пудратчи: “Маданий мерос объекtlари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси.
Манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 1 уй.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлаш ёки тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари (шунингдек, икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргалиқда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишлариға рухсат этилмайди, танлаш ёки тендер ахборот жадвали (ТАЖ) га қаранг.
Танлаш ёки тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:
✓ фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиғи;
✓ доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимлариға эға бўлиши;

✓ ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эға бўлиши;
✓ ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиғи (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);
✓ тўловға қодирлиғи (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);
✓ танлаш ёки тендер объектиға ўхшаш объекtlарда ишлаганлик тажрибаси маъжудлиғи;
✓ бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидағи маълумотларни тақдим этиш;
✓ тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қурилишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шаҳарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларға rioя қилиш ва бажарилган таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилиши тўғрисидағи маълумотлар;
✓ устав фонди миқдори тўғрисидағи маълумотлар.
Агар танлаш ёки тендер предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, танлаш ёки тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибға мувофиқ теғши лицензияға эға бўлган иштирокчиларға рухсат этилади.

Қуйидағи иштирокчиларға танлаш ёки тендер жараёнларида иштирок этишға рухсат берилмайди:
– қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
– мол-мулки мусодараға олинганлар, муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бириға молиявий қарамлиғи маъжудлар.
Танлаш ёки тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш ёки тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.
Танлаш ёки тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш ёки тендер таклифини тузиш мақсадида, танлаш ёки тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари,

хусусан, лойиҳанинғ график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида ташкилотчига мурожаат қилишға ҳақлидир.

Буюртмачи ёки ташкилотчи объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишға мажбур. Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан юқоридағи манзилда, иш кунлари, соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Ташкилотчи “STROY KONSALTING SERVIS” МЧ-Жға оферталарни тақдим этишининг охириғи муддати – оферталарни очиш кунини ва вақтидағи қуйидағи манзилда: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16 “А” уй манзилдағи офиси. Мўлжал: “Агросаноатлоийҳа” МЧЖнинг маъмурий биносининг 504-хонаси, тел: +99898 338-83-05.

Тендер ҳужжатлари ёки танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари ташкилотчидан олинганда талабгор томондан белгиланган тартибда тендер ҳужжатларини ёки танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш бўйича буюртманома ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Тендер ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 2 500 000 сўм.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 1 500 000 сўм.

Таклифларни топишиш иштирокчиларнинг тендер ҳужжатлари ёки танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларға нисбатан, лойиҳани тугаллашға таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлиғиға далолат ҳисобланади.

Таклифлар эълон рўзномада chop этилган кундан бошлаб, тендерларда камда ўн икки иш кунидан, танлашларда беш иш кунидан сўнғ очилади.

“Олмаларимиз сервитаминлиги, қуёш нурига тўйинганлиги ҳамда харидоргирлиги билан хорижликларда ҳам катта қизиқиш ўйғотмоқда”

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ҚАТЪИЯТЛИ, СОҒЛОМ ДУНЁҚАРАШЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ
ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАНДИР

Дунёда ғоявий курашлар,
турли мафкуравий таҳдидлар авж
олаётган бугунги кунда ёшларимиз
маънавиятини юксалтириш,
уларнинг тафаккурида соғлом
дунёқарашни шакллантириш муҳим
вазифамизга айланиб бормоқда.

Бундай мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш жуда муҳимдир. Янги Ўзбекистонимизнинг келажagini таъминловчи ёшларимиз, уларнинг маънавиятини юксалтириш хусусида ҳар биримиз, ҳар кунги қайғурмоғимиз шарт. Бу орқали уларни турли хил мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилган, ҳаётта оғли муносабатини шакллантирган, ён-атрофда ҳақ бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширган, мамлакатимизда мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаёти-мизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган таъовузнарларга қарши изчил кураш олиб бораган бўлаемиз, албатта.

Хар бир мамлакатнинг куч-қудрати, салоҳияти, ишлаб чиқариш, иқтисодиётининг барқарорлигиндан ташқари ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик билан ҳам ўлчанади. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги кунда навқирон авлоднинг эзгу фоя ҳамда лойиҳалар атрофида бириштириш, уларни умумлаштириш қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат



руҳида тарбиялаш тобора долзарблик касб этиб бораётир. Бундай вазиятда ёшларда болалик чоғиданоқ китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш жоизки, бу уларнинг ҳаёт йўлларида мустақкам замин бўлади.

Ёшларимизни маънавий-ахлоқий соғлом этиб тарбиялашда аввало уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, маданий-тарихий анъана, миллий қадриятларга ҳурмат, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, ёш авлоднинг бўш

вақтини банд қилиш мақсадида турли ихтисос ва йўналишлардаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари ўтказиш, маънавий тарғиботда учрайдиган муаммо ва камчиликларни очiq муҳокама қилиш ҳам муҳим ўрин тутadi.

Лўнда қилиб айтганда, замонавий билим ва кўникмаларга эга, аниқ мақсади сари дадил интилувчан, серғайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг ва ҳар биримизнинг энг муҳим вазифаларимиздандир.

Озода ДАВРОНОВА,
Косон туманидаги
86-мактаб директори.

 СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Бойсун тумани
марказидаги “Ёшлар
боғи”да “Олма сайли”
фестивали бўлиб ўтди.
Байрамона руҳда
безатилган бу масканда
турфа хил олма мевалари,
миллий таомлар ва
миллий ҳунармандчилик
буюмлари кўргазмаси
билан бошланган
фестивалда эстрада ва
фольклор жамоаларининг
қизиқарли концерт
дастурлари намойиш
этилди.



Бойсунда “Олма сайли”

– Юртимизда сархил мө
етиштириш учун катта имконият
кулай муҳит яратилаётгани, боғд
чиликнинг интенсив усуллари ке
жорий этилаётганлиги бойсул
сохибкорларнинг ҳам соҳага қизиқ
ва интилишларини янада ошири

юборди. Тадбиркор ва деҳқон хўжаликларимиз ихтиёрида 624 гектар олма боғлари мавжуд. Бу йил боғбонларимиз 248 гектар ҳосилга кирган олмазорларимиздан 6 минг тоннадан ортиқ мевани йиғиб-териб олишди. Олма парваришладша



маҳаллий ҳудудимизга хос тажрибага эгамиз. Боғборларимиз бугунгача Бойсун уйлгои сервис ва ширин олма парваришлаган бўлса, кейинги йилларда Симиренко, Карлик, Голден Креспон каби бир қатор серхоси олма навларини парваришлаб, мул ҳосил ола бошлади. Пуर्वиро тоғларимизга туташиб кетган Хўжайдод, Мачай, Ўрмончи, Дуоба, Дарбанд, Авлод каби бир қатор маҳаллаларимизда етиштирилаётган олмааларимиз сервитаминлиги, қуёш нурига тўйинганлиги ҳамда харидоргирлиги билан хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Сурхондарё вилояти ва туманимиз ҳоҳимликлари ҳамда вилоят туризм бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган бу фестивал кўҳна ва навқирон Сурхонвоҳасининг туризм салоҳиятини қориқий ва маҳаллий сайёҳларга кенгаймоиш этиб, олма етиштириш ва унинг экспортини янада ривожлантиришга хизмат қилади, – дейди Бойсун тумани ҳоҳими Баҳодир Шукуров.

Фестивал якунида олма етиштиришда “Энг фаол маҳалла”, “Энг фаол ташкилот”, “Энг ширин олма яратувчиси” каби бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб уларга диплом ва эсдалик совғалари топирилиди.


Рустам ДАВЛАТОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ЖАРАЁНЛАРИ РАҚАМЛАРДА

Мажбурий ижро бюронинг
Жиззах шаҳар бўлими
томонидан жорий йилнинг
тўққиз ойи давомида жами
724 миллиард 846 миллион
сўмлик 20 минг 829 та ижро
ҳужжатлари қўриб чиқилиб,
шундан 13 минг 743 тасининг
ижроси амалда таъминланди.

Солиқ ундируви бўйича эса жами 170 миллиард 531 миллион сўмлик иш таъминланган бўлса, 84 миллиард 962 миллион сўмликнинг ихросисиз амалда таъминланди. Шунингдек, 1966 та алимент ундириш тўғрисидадаги ижро ҳужжатларидан 634 таси бўйича иш жараёни таъминланди, 440 та оила ярашганлиги сабабли ундирувчи томонидан ижро ҳужжатлари ихросисиз қайтариб олинган.

Коммунал ундирувларга келадиган бўлсак, бу бўйича жами 55 миллиард 502 миллион сўмлик 1155 та ижро ҳужжати ниҳоясига етказилди.



Шундан 708 тасининг ижроси амалда таъминланди. Банклар бўйича жами 1099 та иш ўз ниҳоясига етказилган бўлиб, 575 тасининг ижроси амалга оширилди. Қолган ижро ҳужжатлари бўйича 85 миллиард сўмликдан

ортиқ мол-мулклар хатланиб, реализация қилиш учун аукцион савдоларига чиқарилди.

Шербек АКБЎТАЕВ,
Мажбурий ижро бюронина
Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи.

ОЁҚЛАРНИ ИССИҚ ТУТИШ ТАНАНИНГ ИММУНИТЕТ ТИЗИМИНИ МУСТАҚКАМЛАЙДИ



Оёқларни иссиқ тутиш оёқларда қон ивишининг, эрта инсултнинг олдини олади.

Қишда оёқларингизни турли усуллар билан иссиқ тутинг, совуқ оёқлар иммунитет тизимини заифлаштириши, диабет каби касалликларга олиб келиши мумкин. Куз ойларида тўғри пойабзал кийиш, касаллик ва жараҳатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Барча тана аъзоларини бошқара-
диган нерв учлари оёқлардаги нерв ту-
гунлари билан туташган. Агарда тиш,
қулоқ ва буйракларда оғриқ сезсангиз,
оёқларингизни иссиқ қилиб юринг, ҳар
куни кечаси ухлашдан олдин оёқларни
иссиқ ванна қилинг!

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-1140. 1290 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда

а босилди. Манзили: "Буюк Түрөн" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00